

Бугун — Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси кун

БҲҮҮОК ҲАЁТ ҚОМУСИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ҲАММАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 8 декабр
Сотувда эркин нархда
№ 242 (2280)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

СОҒЛОМ АВЛОД — ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ



8 декабр — мамлакатимиз Ассий Қонун — Конституция қабул қилинган кун ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг эъзоби байрами бу йил юртимиз ҳаётидаги муҳим илғимий-сиёсий воқеа — Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар сайловлар кўрсаткичи билан ўтган вақтга тўғри келиди. Фуқароларимиз Конституцияда белгила берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, келтирилган умид ва ишонч билан ерқин келажакни қўлаб, ўзлари муносиб деб топган номзодларга овоз бери.

7 декабр кун Тошкентдаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 80 йиллиги бағишланган тантанали йиллиги бўлиб ўтди. Бу ерта Тошкент шаҳар жамоатчилиги фаоллари, пойтахтимиз меҳмонлари, хоржий давлатларнинг мамлакатимиздаги атиқоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари йиғилди. Тантанали йиллигини Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов очди. Республика Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ва дунё миқёсида туган ўрни ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов йиллигида нукта қўлади. Давлатимиз раҳбари жамоатчиликда қандай ютуқ ва марраларни эришганини буюк, буларнинг эъзоби билан Конституцияимиз — буюк ҳаёт қомусимиз турганлигини алоҳида таъкидлади. Конституцияимизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан муноқаро фарқ қилиши ҳақида суз бо-

лод йили деб эълон қилишни таъкид элди. Юртбошимизнинг бу таъкиди йиллиги қишқир кунларини томонидан гулдўра қарсақлар билан қарши олди. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, 1998 йил — Ойла йили, 1999 йил эса Аёллар йили деб эълон қилинган эди. Бу таъкидлар фуқароларимизнинг иқтисодий-сиёсий онини, дунёқароини устириш билан бирга, уларнинг манфаатларини умуминсоний қадрлар асосида янгида кенгроқ ҳимоя қилишга, жамоатда кунун устуворлигини таъминлашга қўмқашди. 2000 йилнинг Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши эса, шубҳасиз, ушбу ҳаётли йилларнинг мантқиқий давом бўлади. — Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳий, фикрий соғлом, иймон-этиқоқди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунам. Буюк давлатни фақат соғлом наслига, соғлом ахлоқига кура олади, — деди Юртбошимиз. Тантанали йиллиги Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий ҳаваскорларининг катта байрам концерти билан якунланди.

(Ў.А.)
СУРАТЛАРДА:
тантанали йиллигининг
авлоқлари.
А. ТУРАЕВ олган
суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дустлар! Мугдарам ватандошлар! Аввало, барангизни бутунги муборак айём — Конституция байрами билан чин қалбдан самимий таъриқлайман. Ҳақиқатдан ҳам 8 декабр — Конституция кунини юртимизда нишонлаш биз учун катта аъна ва одадта айланмоқда. Бунга биз катта мамнуният билан таъкидлашни керак. Бунинг сабаби ниманда? Нима учун Ўзбекистонда кунликлари ҳаётида Конституцияимизга муносабатимиз ўзгармоқда, унга ҳурматимиз ошиб бормоқда? Бу саволларга жавоб топиш қийин эмас, деб ўйлайман. Аввало, барчамиз бир ҳаётнинг аъло, тушунтич қоромоқдир — бутун жамоатимизда қандай ютуқ ва марраларга эришадиган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституцияимиз — буюк ҳаёт қомусимиз турбиди. Шу билан бирга, яна бир тушунча ҳаётимизга қириб бормоқда. Биз жамоатимизда чиндан ҳам ҳаёт ва ҳаётга ҳурматини ўрнатмоқчи эканмиз, юртимизда эски тушундан қолган ноинсофлик, порахўрлик, таъмагирилик, қорруқчилик, зуравонлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби барча

ирмас унсур ва иллатлардан халос бўлмоқчи эканмиз, аввало, Конституцияимиз ва қонунларимизга иттиқ элтиш, қонун устуворлигини амалда ҳаётимизда таъминлаш зарурлигини ҳаққимиз аъчи аълоқимизда. Гап шундаки, халқимиз, жамоатчилигимиз бу боралда олиб бораётган ҳаракатларимизни тезлаштириш, амалий ишларимизнинг самарасини оширишни талаб қилмоқда. Гап биринчи навбатда, ҳуқуқий ҳимоя қилувчи идораларнинг, шу жумладан, прокуратура, суд, милиция, солиқ, божхона ва бошқа назоратчи ташкилотларнинг жавобгарлигини, маъсулиятини ошириш, ҳокимиятларда ўтирган нопок мансабдорларнинг таъоибини тортиш ҳақида келмоқда. Бутунги ҳаётнинг паст-баландини билдирган, ҳаётнинг орасида юрган инсонлар аъчи билдириши, бундай талабларга асос бўлган миқдорлар ва фактлар жойларда етарли. Қонунга беписандлик билан қарамаслик, уларга сўзсиз риоя қилиш талабларини қулайлаштириш ин аввало шу идоралардан бошлаш кераклиги таъиний, деб ўйлайман. Конституцияимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимизни ҳаётимизга таъиний элтиш,

амалда ошириш ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Конституцияимизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан муноқаро фарқ қилиши ҳақида суз борар экан, биз аввало унда инсон ҳуқуқини, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан муноқаро фарқ қилиши ҳақида суз бо-

Конституцияимизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан муноқаро фарқ қилиши ҳақида суз борар экан, биз аввало унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани ҳақида гапиримиз керак.

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллиги байрами арафасида эл-юрт олдидаги улкан хизматлари, ислохотларни чуқурлаштиришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, истиқлоқ йилларини рўёбга чиқаришдаги ҳиссаси, фани, маданияти, таълим, иқтисодийни ривожлантириш йўлидаги ютуқлари учун ҳаётимизнинг катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан таъриқланган эди. Бу мукофотларни мустақил Ватанимиз тарихидан яна бир улғу сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун арафасида топшириш ҳам ҳаётли аънага айланган.

7 декабр кун Оқсарой қароргоҳида мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов кўчқ сўзлади. — Ҳаётда эъзу мақсадларимизнинг самарасини қўриш, эл-юрт манфаати йўлида қилинган улкан меҳнатга муносиб баҳо бериш, одамларнинг руҳини кутариш — бағоят ҳаётли ишдир, — деди Юртбошимиз. — Ватанимиз равақли, халқимизнинг бахт-саодати учун филоликл намуналарини қўраётган жўртдошларимизни таъриқлаш — меннинг зимматга юклатилган қўлдан-қўла билан орасида энг қувончлисидир. Бундай маросимлар ўзининг ҳам руҳини кутариб, қалбимга ҳурсанглик бахш элади. Давлатимиз раҳбари ҳар йили Конституцияимиз байрами арафасида халқимизнинг турли соҳаларда ибрат қўраётган вакилларига Ватан мукофотларини топшириш аъчи бир аънага айланган. Минглаб ватандошларимизнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётгани қўлаётган ишларимизнинг, олдимизга қўйган улғу мақсад ва қўлаётган марраларимиз сари шаҳам бораётганимизни яна бир таъкидлаш кераклиги таъиний. Мен шу ўринда ҳақиқат ва адолат турғисида, уни ҳаётда қўраётган топшириш ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман, деди Президент. Ҳаммаимиз қўлалик турмушимизда, унинг барча соҳаларида ҳақиқат ва а-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ
2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида

Вазирлар, идоралар, уюшмалар, конерлар, корпорациялар ва компаниялар, қорхоналар ва ташкилотлар, ҳар бир жамоатчилик Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқаришда ҳар томонлама ёрдамлашсинлар.

4. Модел-техникавий базани мустаҳкамлаш учун қўшимча маблағлар жалб этиш мақсадида кексалар ва ногиронлар интернет уйларига, реабилитация марказларига уларнинг пулли хизматлар қўрашгани, ҳаммаилар, инвесторлар маблағларини, шу жумладан хоржий ҳомийлар ва инвесторлар маблағларини ҳам жалб қилган ҳолда кунун ҳужжатларда белгилаган тартибда қилич ва ўрта қорхоналар ташкил этишга руҳсат берилсин.

5. Муруват ёрдами республика комиссияси (Х.Кароматов) интернат уйлари ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъинот вазирлигининг бошқа тиббиёт-ижтимоий муассасалари республикада муруват ёрдами йўли билан келатган

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 декабр.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ
Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам қўрсатиш ҳақида

Мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий эркинлиги борасида конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қўлаёлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратибга давлат томонидан ёрдам қўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2000 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таъкид қабул қилинсин.

Зиёратчилар рўйхати фуқароларни ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин.

2. 2000 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (Ф.Собиров) ёрдам қўрсати.

3. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиаконпанияси (А. Рўзметов) 2000 йил март-апрел ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб-қелишлари учун қўлаи шароитлар яратиш, уларнинг қаражатларини қамайтириш чораларини қўрсин.

4. Ўзбекистон Республи-

каси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комиллов), Давлат божхона қўмитаси (Комиллов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг таъинотида қўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгилаган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўлаи тиббий талаблар ва мамлакатининг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни қўриқдан ўтказиш, ҳаж даврида уларга ёрдам қўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий ҳафезчилик хизмати (Р.Инонгов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатда рўй бериши мумкин бўлган қўриқчилик воқеаларининг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий ҳафезчилигини таъминлаш чора-тадбирларини таъминлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирқўраев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси таъкидлаган рўйхатда бинонин, мамлакатимиздан ҳаққа кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1300 (бир миңг уч юз саксон) АҚШ долларини имтиёз — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маъсуд ходимлари зиммасига юкласин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидаги маъсуд ҳисоб рақамига жамланб, белгилаган миқдори конертация қилинсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширад.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоида, мудатти, барча шартларини, унинг ижтимоий бориш ва ошқора ёригиб бориш таъни эълосин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хароматов зиммасига юкласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 декабр.

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари эл-юрт хурмат-эътиборини қозонган киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақли эканлигини қайд этди. Чунки Ватан мукофоти сазовор бўлиш элнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демекдир.

Ислол Каримов Ватан озодлиги учун курашган, бу йўлда жонини ҳам аямаган фарзандларини халқимиз ҳеч қачон унутмаслигини таъкидлаб, ота-бундан шайхони Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўпон ана шундай буюк зот бўлишини айтиб ўтди.

Тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида биз халқ деб яшаган, халқ деб курашган, халқ деб ҳалок бўлган, муқаддас инсонини «Мустақиллик» ордени билан тақдирлаган эдик. Мен бугун бу юксак мукофотни Чўпон авлодларига чуқур ҳаёқон, ҳеч-қачон ҳурмат-эътибор туйғуларини билан топшираман. Чўпон каби улғур инсонлар ҳаёти ва жасорати биз учун, келажак авлодлар учун то абад мардлик ва фидойилик тэмсиоли бўлиб қолаверадди, деди Йўлбошимиз.

Мамлакатимиз раҳбари «Ўзбекистон Қаҳрамони» де-

ган юксак унвонга сазовор бўлган юртошларимизни, турли мукофотларга муносиб қўрилган ёзувчи ва шоирларни, муаллимларни, илм-фан ва санъат намояндаларини, лафзи ҳалол деҳқонларни, ишлаб чиқариш илгорларини, мамлакатимиз тинчлиги ва сарҳадларимизни таъминлаганини кўз қорачигидай асраётган Ватан посбонларини, Ўзбекистон доғругини бутун дунёга тараннум этаётган азамат спортчиларимизни муборакбод этди. Конституциямиз қабул қилинганлигини эътибор билан барча кишига билан барчани қизгин қутлади.


Президент Ислол Каримов Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Р.Маҳмудов номида ширкат хўжалиги бригадаси бошлиғи Дўстмурод Абдуллаев, Наманган вилояти Чортоқ тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бригадаси бошлиғи Абдували Абдурахимов, Андижон вилояти Марҳамат тумани У.Қорабод номида жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи Атаҳон Атаматов, Ўзбекистон халқ шoirи Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси халқ урғувчиси, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 273-ўрта мактаб директори Мавлуда Исметова, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жа-

мияти 1-йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси Мартия Раҳматова, Қашқадар вилояти Касби тумани Ш.Рашидов номида ширкат хўжалиги ижарачиси Гайбулло Раҳмонов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Фарғона автомобиль йўллари мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер хайдовчиси Улугбек Умаровга Ватанимизнинг Олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони гувоҳнома-сини ва «Олтин юлдуз» медалларини топширди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари саноат, фан, маориф, қишлоқ хўжалиги, маданият, спорт соҳалари вакиллари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари юксак мукофотларни топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Гавҳар Раҳимова, Саид Аҳмад, Иброҳим Юсупов, Фозила Сулаймонова, Бахтиёр Ихтиёр, Насиба Абдуллаева ва бошқалар ўзлари билдирилган бундай ишонч учун халқимизга, Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

Бехзод УСМОН (ЎЗА)



«Ўзбекистон» концерни «Аралсувқурилиш» бирлашмасига қарашли 22-Қирққиз қурилиш бошқармаси қурувчилари Эллиққалъа туманида янги нефтбазаси бўёб этмоқда. Қурувчилар ушбу замонавий типдаги янги ишонишни 2000 йилгача қуриб битказиб, фойдаланишга топширишни ният қилишган.

Ҳозир бу ерда биноларни пардозлаш, мой сақлаш қўзғалари монтаж қилиш ишлари қизин олиб боришмоқда.

Республикамиз аҳолисини нефть ва нефть маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилашга хизмат қиладиган бундай корхоналар сонининг бештага кўпайиши, мамлакатимизда олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

СУРАТЛАРДА: қурилиш ишларидан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиди. Уни Бон вазир ўринбосари В.Чжен бошқарди.

Мажлиса фаолияти тадбиркорларга Ўрда берилган йўналтирилган республика вазирликлари, идоралари ва танкилотларининг жорий йилдаги дастлабки иш якуналари кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор янги кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тузиш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тўғалтириш, шунингдек, ҳам корхоналарни, ҳам уларнинг фаолияти янгилаштиришга ҳақли қилиш ва ҳисобини яратини масалаларига қаратилди.

Қайд этилдики, мамлакатимизда кўп укладли иқтисодий шакллантириш учун зарур бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, шунингдек, янги иш урилиларини, рақобат муҳитини яратини борасида мақсадли фаолият юргизишмоқда. Биринчи октябр ҳолатига кўра, республикада 159,1 мингта кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинган. Ушбу корхоналар ишлаб чиқариётган маҳсулот ва кўрсаткичлар хизмат республика янги ички маҳсулотининг 12,3 фоизини, хусусий тадбиркорларнинг ҳиссбга оладиган бўлса, 28,5 фоизини ташкил этади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари иш билан бўлиб аҳолининг 10,5 фоизини меҳнат қиламоқда.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 18,4 минг янги кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинди. Шунлардан олти мингта яқинини лехдон ва фермер хўжаликлари ташкил этди. Республикада иқтисодийнинг бу соҳасида фаолият юргизиш корхоналарининг умумий сонини 121,3 мингта этди. Бу эса йил бошидаги кўрсаткичга қараганда 17,6 фоиз кўб.

Фаолият тўхтаб қолган кичик ва ўрта бизнес субъектларини тўғалтиришга доир ишлар ҳам фаолиятга олинди. Йил бошидан бунён 26,6 мингта ишундай корхона тўғалтирилди. Шу билан бирга, бу соҳада ҳамон фаолият тўхтаб қолган корхоналар кўп.

Корхоналарни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини яратини бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Макроиктисодий ва статистика вазирлигининг статистика департаменти томонидан шу йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб, кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини яратини бўйича чоралар чикарилмоқда.

Мажлисада Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудий комиссиялари раҳбарларининг кичик ва ўрта тадбиркорлик тараққиётини ҳамда хукумат қарорларини ижро этишнинг юмр ҳисоботлари тингилди. Ушбу комиссиялар ишларини амалга оширишга доир муайян тақдирлар берилди.

Мажлиса широкдорлари Республика Бизнес-инкубатори фаолияти ҳақдаги ахборотини тингилди. (ЎЗА)

ХАЛҚ ЎЗ НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Урганчада Президент номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, ийрик саноат корхона ва хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар раислари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Митингда Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Бегот тумани ҳокими Шакаржон Хужаниезова Ислол Каримовнинг ҳаёт йўли, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва мустақилликнинг қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирди.

Митинг қатнашчилари халқимиз 1991 йилнинг де-

кабрида Ўзбекистон тарихида биринчи марта муқобиллик асосида утган Президент сайловларида Ислол Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлаб, ўз заковатини намойиш қилган эди, деб таъкидлади. Ҳозир ҳам фуқароларимизнинг эрур келажати ва ўз фаровонлигини давлатимиз раҳбари номи билан боғламоқда.

Шовот тумани, «Хоразм» жамоа хўжалиги раиси Пулат Исмоилов ўз нутқида шундай деди: — Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилини яхши эслаймиз. У пайтлар фақат мустақиллик ва ўз кучимизга ишончимиздан бошқа нарсамиз йўқ эди. Ҳозирги пайтда Президентимиз томонидан юритилган иқтисо-

дий сиёсатнинг пухталиги тўғайли дон ва энергетика мустақиллигига эришдик. Шунинг учун ҳам мен қишлоқ-гимназияга тўрт минг сайловчи-нинг ҳар бири сайловда давлатимиз раҳбари номзодини кўрсатишга аминман.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислол Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар Хонқа пахта тозалаш заводида, Урганчадаги «Феруз-Хоразм» тикунчилик акциядорлик жамиятида ва бошқа қўллаб меҳнат жамоаларида, ўқув даргоҳларида, қатор қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда бўлиб ўтди.

Т. ШАМАКОВ, ЎЗА мухбири.

ТҮЙ-МАЪРАКА — ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

ча, фахрланса арзийдиган урф-одатлари, бетакрор тўй маросимлари бор. Ўзбеклар қўли очик, серҳиммат, орзу-хавасли халқ. Топса тўй қилсам, эл-юртга ош берсам дейди. Бунинг ҳеч шубҳасиз энг олжанов, умуминсоний фазилатлар қаторига қўйиш мумкин. Афсуски, кейинги йилларда тўй-маъракалар ўтказишда дабдабозликка беришиб кетилди.

Илмий-амалий конференцияда тўй-маросимларини шу кун талаблари асосида камсарф, ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказилиши, уларни халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳолда ўтказиш инсонининг, айниқса эш авлодининг маънавий олами юксалиши, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга эришиш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Эътироф этиш керак, мустақил-

лигимиз шарофати билан миллий расм-русум, урф-одатлари удуларимиз учун кенг йўл очилди. Бироқ бу бир ёки бир неча кишининг ўйлаб топган ёки қилган қўлимизни удул сифатида омалаштиривериш дегани эмас. Масалан, никоҳ тўйи муносабати билан боғлиқ совчи қутар, уй кўрар, қиз кўрди, ҳади этиш, унаштириш, фотиҳа тўйи, кичик маслаҳат, катта маслаҳат, тўй қабул қилиш, уй безаш, кийим тахтар, келиннинг ҳайити, қиз базми, никоҳдан ўтиш базми, саёби тўрар, эркаклар учун наҳор оши, аёллар учун базм, кечки никоҳ базми, сарпо ёши, келин мақрибси каби маросимларнинг барчаси бирдай зарурмикин? Ахир булар учун қанчалар қанча ортиқча сарф-ҳаражатлар кетди-ку. Бироқ мана шунларнинг ҳаммаси урф-одат тариқасида

ўтказилади. Бундай чуқурроқ ўйлаб қарасак, булар манманлик, исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас.

Шунингдек, мажмур ағъузманд сўзга чиққан доцент С. Йўлбошимов «Ешлар маънавийини шакллантиришда тўй маросимларининг роли» мавзусида маъруза қилди.

Умуман ном чиқарганга қилинаётган хашамдор тўйлар, ичкилик, пул сонилар ҳеч қачон одат бўлган эмас, маст бўлишлар, раққосларга пул қўйириб ёки бошидан сочиш қайси ўзбекиликка, урф-одатларимизга тўғри келади? Ота-оналар, ака-опаларнинг бу ҳақи-ҳарислари ёшлар тараққиётига салбий таъсир эътиборини?

Тошкент шаҳар Фуқаролик ҳолати даълолатномаларини ёшиш бўлими бошлиғи Г. Иномжонова ҳам урф-одатларимизнинг

ҳозирги тўй маросимлариди Уртин тўғрисида гапирар экан, ана шу маросимларни ўтказиш учун кетилган ҳаражатлар ҳамда кўп фарзандли оилаларга Ўрда бериш халқимизга хос бўлган савоб ишлар эканлигини таъкидлаб ўтди. Ёшлар ўйлаб қолсан, киши? Нима, ўзбек халқи фақат тўй, маърака ўтказиш учун яшайди? Аксинча, топганини дабдабаларга сарфламай, балки уларни фарандларининг билан олиши учун сарфласа, қўчаларни асраётган қилиш, асосий бечораларнинг уларини таъмирлаб беришга ишлатса бўлмайдими?

Хуллас, конференция баҳс-мунозараларга бой бўлиди. Сузга чиққанларнинг ҳаммаси тўй маросимларимиз шу кун талаблари даражасида ўтказилалар.

Конференция сўнггида талабалар «Тўйлар ҳақида ўйлар-маърузида сўзга кўринишини маънавий этишди.

Феруза САЙДАМАТОВА, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими.

UZMASOM
GSM

“ЎЗМАКОМ” ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА БАРЧАГА БАХТ,
ЭЗГУЛИК ҲАМДА БАРКАМОЛЛИК
ТИЛАЙДИ.

Сизни куйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 8-уй.
Бизнинг телефонларимиз: (998 71) 100-00-15, 100-00-16, 100-01-31, 173-00-15.
Факсларимиз: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

«БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАКО
ЎЗБЕКИСТОН»
мамлакатимиз халқини
республика
Конституцияси
кунни
билан
муборакбод
этади.

Бритиш Американ Табако Ўзбекистон.

МЕХР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Уша куни Тошкент шаҳрининг чиройига чирой қўшиб, салобат билан қад кўтариб турган «Халқлар дўстлиги» саройи мезбонлар меҳмонлар, катта-ю кичик билан гавжум бўлди. Ҳаммамнинг юз-қўлида қувонч ва байрам кайфияти акс этарди. Чунки уша куни «Меҳрон-99» меҳр-шафқат, хайрия марафони ўтказилди.

Бу ерта келганларнинг аксарияти ноғиронлар эди. БМТнинг ташаббуси билан 3 декабр куни бутун дунёда халқаро ноғиронлар куни деб белгиланган.

Байрамда чет эл элчоналари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Саҳна жуда чиройли безатилган, турли кўринишда нур сочиб байрам руҳини янада оширди. Айниқса ўзбекистонлик ва чет эллик таниқли эстрада ҳамда кино санъати намояндalари билан саҳна яна ҳам гўзаллашиб кетгандай бўлди. Бундай гўзалликни яратганлар Тошкент вилояти қасаба уюшмалари, уюшмаларо маданият маркази, меҳрибонлик уйлари ва «Китоб-интернатлари» жамоаси бўлди. Асосий ҳомишлар «Ўзбекистон-Швейцария» УИТА қўшма корхонаси ва «Интерконтинентал» меҳмонхонаси жамоалари бахарили. Марафон қатнашчиларининг узлари ҳам яъни Махсум мактаб-интернатларнинг болалари катта меҳнат қилишди.

Карнай садолари марафонни бошлаб берди. Сўнг унга доирчилар гуруҳи қўшилди. Гуё бутун залда ҳаяжон, қувонч ва шодлик учиб юргандай бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов,

«Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Г.Иўлдошева сўз олиб, бугунги кунда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ноғиронларга яратилаётган шароит ҳақида гапирди.

Саҳнага чиқиб, куй-қўшиқ қўйлаган, рақсга тушган болаларга қараб туриб, уларнинг ҳаётига бўлган интилиши, юракларига тулиб-тошган завқ-шавқдан ҳайратланиди киши. Ноғиронлигига ҳеч ишонгани келмайди. Қувончли шундаки, уларнинг қайби буг, юраги соғом.

«Шаҳзода», «Ситора», «Аббос» ва «Ялла» ўзбек эстрадаси гуруҳларига навбат етганида, атроф гўзал куй-қўшиқларга тўлди. Чиндан ҳам улар болаларга ажойиб қўшиқлар тақдим этдилар. Москвалик ширк усталари узларининг қўшиқлари чиқишлари билан шилларни хушуд этдилар. Эҳтиёт байрамга келганлар узларини Займа Вайкул, Валерий Междзе, Наташа Корольева, Игорь Николаев, Диана Гуриқая, Катя Лель, Гречка, Озарбойжон ҳам хизмат кўрсатган артист Бриллиант Далашева каби эстрада ишталари табриқлашди.

Хайрия марафони Президентимизнинг ушбу сўзлари беҳуда айтилмаганини яна бир ҳар тасдиқлади: Савоб ишни ҳар куни қилиш керак. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак.

Кутилмаган совғалар бу билан тугатгани йўқ. Қора денгиз бўйида жойлашган Анапа шаҳридаги оромгоҳ болалар ихтиёрига топширилди. Бу байрам чинқакамига меҳр-муруват байрамга айланиб кетди. Ноғиронлар узларини чин инсонлар бағрида, меҳр ардоғида эканликларини қис қилдилар. Уларнинг келажакка бўлган ишончи мустақамланиб, ҳаётга, мулоқотга, қувончга ташналиги фалоллашди.

Энг муҳими, уларнинг ҳаётида ўз урни борлиғидир. **Умидохон КАРИМОВА.**

ки ягона мақсад — бир-бирини тушуниш бирлаштириб турарди. Бутун дунёга таниқли актёр, комик роллар устаси Пьер Ришарни мухлислар илиқ кутиб олдилар. «Мен ўзбек халқи билан танишишни анчадан бун оруз қилиб юраддим, — деди у. — Қисқа вақт ичида Ўзбекистон ҳақида кўплай маълумотга эга бўлдим. Мен эшитмайдиган, кўзи ожиз болаларнинг ажойиб рақсларини, шилдим, қўшиқларини эшитдим. Болаларнинг жамғарма байрамларидан гузайроқ бу байрам. Мен ташкилотчиларни, санъаткорларни муваффақиятлари билан табриқлайман. Дунёда болаларга табассум улаштириш ортқ бахт йўқ. Янашдан мақсадимиз, ҳаётимизнинг мазмуни ҳам болаларни бахтиёр қўришдир.

Нихонт «Ялла» гуруҳи куйлай бошлади. Санъаткорлар, қўли қўлга бериб шарларни ҳавога отдилар.

Хайрия марафони Президентимизнинг ушбу сўзлари беҳуда айтилмаганини яна бир ҳар тасдиқлади: Савоб ишни ҳар куни қилиш керак. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак.

Кутилмаган совғалар бу билан тугатгани йўқ. Қора денгиз бўйида жойлашган Анапа шаҳридаги оромгоҳ болалар ихтиёрига топширилди. Бу байрам чинқакамига меҳр-муруват байрамга айланиб кетди. Ноғиронлар узларини чин инсонлар бағрида, меҳр ардоғида эканликларини қис қилдилар. Уларнинг келажакка бўлган ишончи мустақамланиб, ҳаётга, мулоқотга, қувончга ташналиги фалоллашди.

Энг муҳими, уларнинг ҳаётида ўз урни борлиғидир. **Умидохон КАРИМОВА.**

Табииат ўта самимий, ширинсўхан бу айниқса номини ҳаммасибари-ю, шириндиларидан тортқиб, беморлар ҳам бениҳоя ҳурмат билан тилга олишди. Зотан, 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети хирургия кафедраси ходими тиббиёт фанлари доктори, профессор Маммакат Маҳқамова узоқ йиллик машаққатли илмий изланишлари, ҳалол меҳнати туфайли ана шундай эҳтиром ва эъзозга сазовор бўлган. Шу кунларда ҳам Маммакат она мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Эштибори жиҳати, у киши чуқур билимли, юқори малакали шифокорлар етиштириб чиқариш масаласида алоҳида эштибор билан қарайди. Шу бис ҳам турли йиллар давомида Маммакат Маҳқамовадан сабоқ олган кўплай тиббиёт ходимлари бун қатор ширин масалаларида самарали меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: Маммакат Маҳқамова шогирди Мирҳоким Пулатов билан беморлар соғлини юзасидан суҳбатлашмоқда.



«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Мулоқот» журнали ун йилдан бун чоп этилмоқда. Бутун унинг ун минглаб мухлису муштарийлари бор. Чунки журналининг асосий мақсад ва маслаги-инсонийликни эъзозлаш ва келажак уфқларини аниқ қўра билишига интилишдан, унутқиб боратган Утқишни жонлантқиришдан иборат бўлди. Шу бис, мустақил голларини — миллий гуруру, миллий ифтихор, миллий мафкура голларини, тарихимизнинг машҳуру ва нодир саҳифаларини шиларимизга, маънавиятимиз илҳомларига етказди. Буюк бобоқлонларимиз, бизнинг юртдошларимиз — Шарқу Фарба машҳуру файласуфлар, алломалар, муҳаддислар, муаррихлар, азиз пир уавилларни ҳақиқати мақолаларимиз ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугунги кунимиз муаммолари ва келажак учун жонқуру кадрлар фаолияти

ОБУНА — 2000

«Мулоқот» Журналига обуна бўлинг. Навир курсатқичларимиз: Яска обуначилар учун — 844, Ташкилотлар учун — 845. Журнал тахририяти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ «ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1999 йил 9 декабр соат 17.30 да

Эркин Хушвақтов асари — «ЧИМИЛДИК»

спектакли 200-маротаба намойиш этилади.

Саҳналаштирувчи режиссёрлар — Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг совирдори Турғун АЗИЗОВ, Малик Уйғур номи Тошкент давлат санъат олийсоти катта ўқитувчиси Мунаввара АБДУЛЛАЕВА.

Саҳналаштирувчи расом — Бахтиёр ТУРАЕВ.

Бос ролада — Мадина МУХТОРОВА, Абдурайим АБДУВАХОБОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 7 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австрали доллар	87,83
1 Австрия шиллинги	10,13
1 Англия фунт стерлинги	222,68
10 Бельгия франки	34,55
1 Голландия гульдени	63,25
10 Греция драхмаси	4,25
1 Дания кронаси	18,75
1 БАА дирхам	37,88
1 АҚШ доллари	139,14
1 Миср фунти	40,74
10 Испания песети	8,38
100 Италия лираси	7,20
1 Канада доллари	93,98
1 Хитой юани	16,81
10 Люксембург франки	34,55
1 Малайзия ринггити	36,62
1 Германия маркиси	71,26
1 Польша злотийси	32,82
1 СДР	190,48
1000 Туркия лираси	027
1 Финляндия маркиси	23,44
1 Франция франки	21,25
1 Швейцария франки	87,25
1 ЕВРО	139,38
10Жанубий Корея воны	1,21
10Япония иенаси	13,60
1 Россия рубли	5,20
1 Украина гривнаси	29,20

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни уйбу қийматда сотиши ёки сотиб олиши мажбуриятини олмаган.

Aziz Vatandoshlar!

"Uzdunrobita" Qo'shma Korxonasi sizni Konstitutsia kuni bilan tabriklaydi va sizga Vatanimiz ravnaqi yo'lida barkamollik va yangi yutuqlar tilaydi!

UZDUNROBITA

BIZ BILAN BUTUN MAMLAKAT BUYLAB! cellular

(Газетанинг навбатдаги сони 10 декабр, жума куни чиқади).

«ХАЛҚ СҮЗИ»

НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳқамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоголомов, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рунхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди.

ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Қоғоз бичими А-2

Газета ИВМ компьютеризда терилди ва операторлар Сергей ЛУКНИН ва Жамил ТОВАЕВ томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:

ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.

Навбатчи муҳаррир — А. Абдулганов.

Навбатчи — М. Қосимова.

Мусавҳаҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди: 23.20 1 2 3 4 5 6